

УДК: 332.334.4:631.6

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН Фойдаланишни ташкил этишнинг ҳисобини юритиш натижаларини қўллашнинг услубий-амалий хусусиятлари

Хожиев Кучкор Мамадиёрович

“Ўздаверлойиха” ДИЛИ бош директори маслаҳатчиси, қ.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.21902172>

Анотация. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлардан фойдаланишни ташкил этишда ер ҳисоби натижаларини қўллашнинг услубий-амалий хусусиятлари тадқиқ этилган. Ер ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, жумладан, тупрок бонитировкаси, агрохимёвий ва мелиоратив ҳолатга оид маълумотларни бошқарув қарорларини қабул қилиш, норматив қийматни аниқлаш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланишдаги аҳамияти асосланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ислохотлар ва рақамлаштириш жараёнлари шароитида ер ҳисоби натижаларидан фойдаланишнинг долзарблиги ёритилган. Тадқиқот натижалари ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва суғориладиган ерларни барқарор бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилади..

Калит сўзлар. Ер ҳисоби, ер фонди тоифалари, ер турлари, контур, гектар, ер кадастри, маъмурий-худудий бирлик, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, суғориладиган ерлар, ер баланси.

Аннотация. В статье исследованы методические и практические особенности применения результатов учёта земель при организации использования орошаемых земель сельскохозяйственного назначения. Обоснована значимость количественных и качественных показателей земельных ресурсов, включая данные бонитировки почв, агрохимических обследований и мелиоративного состояния, для принятия управленческих решений, определения нормативной стоимости земель и обеспечения эффективного использования земельных ресурсов. Особое внимание уделено возрастанию роли результатов учёта земель в условиях проводимых институциональных реформ и цифровой трансформации сельского хозяйства. Результаты исследования направлены на повышение эффективности использования данных государственного земельного кадастра и совершенствование устойчивого управления орошаемыми землями сельскохозяйственного назначения.

Ключевые слова: учёт земель, категории земельного фонда, виды земель, земельный контур, гектар, государственный земельный кадастр, административно-территориальная единица, земли сельскохозяйственного назначения, орошаемые земли, земельный баланс.

Abstract. This article examines the methodological and practical aspects of applying land accounting results in the organization of the use of irrigated agricultural lands. The study substantiates the significance of quantitative and qualitative land resource indicators, including soil bonitation, agrochemical characteristics, and reclamation status data, for managerial decision-making, determination of normative land value, and ensuring the efficient use of land resources. Particular attention is paid to the increasing importance of utilizing land accounting results in the context of ongoing institutional reforms and digital transformation in the agricultural sector. The findings contribute to improving the efficiency of the use of state land cadastre information and enhancing the sustainable management of irrigated agricultural lands.

Keywords: land accounting, land fund categories, land types, land contour, hectare, state land cadastre, administrative-territorial unit, agricultural land, irrigated land, land balance.

Кириш. Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот ҳар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-худудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, ерларнинг тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олади [2].

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш - мамлакат иқтисодиётининг муҳим стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараённинг

самарадорлиги кўп жиҳатдан ер ресурсларининг ҳисоби натижаларини қанчалик тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида амалиётга татбиқ этилишига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, тупроқ бонитировкаси, агрокимёвий тадқиқотлар, мелиоратив ҳолат тавсифи каби сифат ва миқдорий жиҳатдан ҳисоб маълумотлари айтилган вақтда норматив қийматни аниқлашда, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда, ерларни реализация қилишда, ер ижара ҳақини белгилашда фаол қўлланилса, улар чин маънода стратегик ресурс вазифасини бажаради.

Республикаимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар — кластер тизимининг жорий этилиши, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ерлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларининг кенгайиши, ерларни аукционга чиқариш тартибининг жорий қилиниши, норматив қийматнинг такомиллаштирилиши, шунингдек, рақамлаштириш чора-тадбирлари - ерлар ҳисоби натижаларидан фойдаланишнинг муҳимлигини янада оширди.

Ерлар ҳисоби натижаларининг амалда қўлланиш йўналишларидан энг муҳимларидан бири - қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш масаласи ҳисобланади. Ҳар бир экин тури муайян тупроқ-иқлим шароитига талабчан бўлиб, агар экин ўзига номунофиқ ер участкасида экилса, ҳосилдорлик пасайиб, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ошиб, охир оқибатда хўжалик зарар кўриши мумкин. Айнан шу боис тупроқ бонитировкаси, агрокимёвий тадқиқот ва мелиоратив ҳолат маълумотларини иноватга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бугунги кунда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири сифатида қаралади.

Амалиётда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда қуйидаги йўналишларга риоя қилиниши лозим. Биринчидан, балл бонитети юқори (81–100) бўлган ерларга кўп даромадли ва агрономик жиҳатдан талабчан экинлар - пахта, бошоқли дон, сабзавот экинлари экиш назарда тутилади. Иккинчидан, балл бонитети ўрта (41–80 балл) бўлган ерларда дон-дуққакли экинлар, мойли экинлар (кунгабоқар, соя), кунжут, картошка, полиз экинларини экиш белгиланади. Учинчидан, балл бонитети паст (40 баллгача) бўлган ерларда асосан - арпа, жўхори, маккажўхори, шунингдек, ем-хашак экинлари экиш мақсадга мувофиқ. Тупроғи кучли шўрланган ёки оғир мелиоратив ҳолатдаги ерларда эса шўрга чидамли экинлар ва махсус мелиоратив экинлар экилиши тавсия қилинади.

Шу билан бирга, амалиётда қишлоқ экинларини жойлаштириш билан боғлиқ айрим муаммолар кузатилади. Хусусан, баъзи ҳудудларда тупроқ бонитет балларининг эскирганлиги ва агрокимёвий маълумотларнинг ўз вақтида янгиланмаганлиги сабабли экинларни жойлаштириш режалари ерларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмайди. Натижада, балл бонитети юқори бўлган ерлар сифатида қайд этилган, аммо ҳақиқатда сифат жиҳатдан пасайган ерларга юқори талабли экинлар жойлаштирилади ва кутилган самарага эришилмайди. Бу ҳол ерлар сифат ҳисобини мунтазам янгиллаб бориш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди (1-жадвал).

1-жадвал.

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини асосий майдонларга жойлаштириш.

Т/р	Қишлоқ хўжалиги экин турлари	2021-йил ҳосили учун		2022-йил ҳосили учун		2023-йил ҳосили учун		2024-йил ҳосили учун		2025-йил ҳосили учун		Фарқи ±, - 2021-йилга нисбатан	
		Режа, га	Амалда экилган майдон	Режа, га	Амалда экилган майдон	Режа, га	Амалда экилган майдон	Режа, га	Амалда экилган майдон	Режа, га	Амалда экилган майдон	Режа, га	Амалда экилган майдон
1	Ўғза	1032557	1021210	1034223	1017158	1020551	1017918	1012445	998758	875615	906136	-156942	-115074
2	Қаннабис, тамаки	13633	6973	15027	5618	8527	7727	10532	8796	13265	5241	-368	-1732
3	Бошоқли дон экинлари	1038104	1045448	1031857	1 033713	1009479	1024600	1011307	1029647	997010	1018121	-41094	-27327
4	Мақкажўхори дон учун	51331	43247	46161	47162	52790	53284	0	57910	0	0	-51331	-43247
5	Шоли	70046	70477	57063	61988	46958	36196	36143	52874	51851	90528	-18195	20051
6	Дуққақли дон экинлари	74367	70768	58842	50113	38669	40148	44670	56138	85006	66333	10639	-4435
7	Мойли экинлар	125330	110140	142856	107334	174508	141330	160697	80781	180732	107216	55402	-2924
8	Сабзавот	166384	162986	154070	158267	155740	152094	212546	98946	225253	168962	58869	5976
9	Полиз	71507	69910	72721	75288	72266	78177	73824	59701	72973	66701	1466	-3209
10	Қартошқа	50740	48844	115548	93529	106237	105268	116826	58637	121972	82377	71232	33533
11	Ўзук (ем-хашак) экинлари	339742	323708	377546	356317	430719	420748	437803	270684	505000	440793	165258	117085
12	Бошқа экинлар	20133	20749	8010	7186	5859	9906	1666	747	9839	6318	-10294	-14431
13	Паст балл бонитетли ерларда кўп йиллик дарахтзорлар	94431	85024	79693	57078	56824	50780	28963	16581	8539	29769	-85892	-55255
	Жами	3148305	3079484	3193615	3070753	3179126	3138175	3147420	2790200	3147055	2988495	-1250	-90989

Ер ҳисоби натижаларининг амалий қўлланишидаги яна бир муҳим йўналиш - ер участкаларининг норматив қийматини аниқлаш ва шу асосда аукционга чиқарилаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг дастлабки нархлари, ер солиғи ставкалари, ижара ҳақи, гаров қиймати каби иқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришдир. Ерларнинг норматив қиймати - ерларнинг табиий ва иқтисодий хусусиятлари, унинг жойлашуви, инфратузилма билан таъминланганлик даражаси, агрокимёвий ҳолати ҳамда бонитет балли асосида ҳисобланувчи иқтисодий кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич ер солиғи, ижара ҳақи, ер участкаларига оид муомалаларда асос бўлиб хизмат қилади.

Республикамізда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 26 ноябрдаги 744-сон қарори ва ишлаб чиқилган тегишли услубий йўриқномалар асосида аниқланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бир гектар ернинг норматив қийматини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- ер участкасининг қишлоқ хўжалиги ер тури;
- тупроқнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичлари;
- қишлоқ хўжалиги экинлари, кўп йиллик дарахтлар ва ем-хашакбоп экин майдонларининг норматив ҳосилдорлиги;
- базавий ҳисоблаш миқдори;
- фойда рентабеллиги;
- ер участкасини ижарага олиш муддати;
- минтақавий коэффицент;
- сув билан таъминланганлик коэффиценти;
- ҳосил нобуд бўлишини ҳисобга олиш коэффиценти;
- экин турларининг норматив ҳосилдорлик коэффиценти

Бироқ, амалда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тизими ҳам бир қатор муаммоларга эга. Биринчидан, норматив қиймат шаклланишида қўлланилаётган бонитет балл ва агрокимёвий маълумотлар кўп жойда эскирган. Бу эса айрим участкаларнинг қиймати ноадолатли тарзда юқори ёки паст белгиланишига олиб келади. Иккинчидан, норматив қийматни ҳисоблашнинг услубий асоси шаффоф эмас - фермер ва тадбиркорлар ўз ер участкасининг қиймати қандай шаклланганлигини осонликча тушуниб ола олмайдилар. Учинчидан, норматив қиймат бозор қийматидан жиддий фарқ қилиши мумкин — баъзи ҳолларда у бозор қийматидан паст, баъзан эса

юқори. Шу боис кадастр баҳолаш услубини халқаро стандартларга мослаштириш ва шаффофлаштириш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса. Мавжуд сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида жойлардаги очик дренаж ва коллекторларни, шунингдек, каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш орқали қўшимча равишда катта майдонда экин ерлар очилади. Янги ерларни ташкил этишда ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ер тузиш лойиҳалари илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланиб, республикамизда ер ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда ерларни муҳофаза қилишда, шунингдек, ерларнинг ҳисобини ер фонди тоифалари бўйича тўғри ва тўлиқ юритишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисидаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон

Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 октябрдаги 578-сонли қарори.

6. Бобожонов А.Р. “Ер кадастри” Тошкент, ТИМИ, 2011 й.
7. Рахимов В.Р, Бабажанов А.Р Давлат кадастри асослари. Тошкент, ТТУ 2012й.
8. А.Темур “Темур тузуклари” асари.
9. “Qomus.info” onlayn ensiklopediyasi.
10. 2025 йил 1 январь ҳолатига Миллий ер ҳисоботи. Кадастр агентлиги-2025.